

19-sentyabr
2024-yil 38 (1088)



O'ZLIDEP



XXI ASR

IJTIMOIIY - SIYOSIY GAZETASI

21asr.uz XXI_asr@mail.ru @XXIasr_yangiliklari XXIasrgazetasi asr_xabarlari_news Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

ОЛИЙ МАЖЛИС
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ
ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ
КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
САЙЛОВИГА

САЙЛОВ - 2024

37
37

КУН ҚОЛДИ

ВАЪДА ЭМАС - НАТИЖА, ЭРТАГА ЭМАС - БУГУН!

“XXI ASR” ШАРҲИ

ЎЗБЕКИСТОН-ГЕРМАНИЯ: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев**нинг таклифига биноан Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери **Олаф Шольц** 15-16 сентябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.



ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ - ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

ЭРКИН ВА ФАРОВОН, ҚУДРАТЛИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ
БИРГАЛИКДА ҚУРАМИЗ!

ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН 5 МАҚСАД ВА 500 ВАЗИФА

Азиз ватандошлар!

Сизу биз туғилиб ўсган Ўзбекистон бу оламда битта, ягонадир!

Бизга бошқа жойда Ватан йўқ, она макон йўқ. Демак, она юртни муқаддас, Ватанни тенглар ичра тенг, қудратли, эркин ва фаровон мамлакатга айлантириш бизнинг фарзандлик бурчимиз, виждоний вазифамиздир.

Келгуси авлодларимиз бизга мана шу бурчни, вазифани қандай уддалаганимизга қараб баҳо беради. Бундан келиб чиқадикки, Ўзбекистон аҳли бугун бор куч-қудрати, ақлу зеҳнини ишга солиб, юртни юксалтирмоғи, ўзи ҳам ҳар жиҳатдан юксалмоғи керак!

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида қисқа вақт давомида тадбиркорликни қўл-

лаб-қувватлаш, эҳтиёжмандларга қўмаклашиш, очиқлик сиёсатини юритиш, мамлакат иқтисодиёти ва халқаро нуфузини ошириш бўйича тарихий ислохотлар амалга оширилганлигини эътироф этган ҳолда бу борадаги ишларни изчил ва қатъий давом эттириш жонажон Ўзбекистонни юксалтиришнинг ягона тўғри йўли деб ҳисоблайди.

Мана шу улғувор йўлда бирлашиб, сизга мурожаат қилаётган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси мамлакат Президенти Шавкат Мирзиёев партиянинг XI съездида эълон қилган Сайловолди дастури ҳамда “ЎЗБЕКИСТОН - 2030” Стратегиясини тўлиқ амалга ошириш масъулиятини зиммасига олган етакчи сиёсий қучдир.

2-3-4

МУНОСАБАТ

УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТ

ОРҚАЛИ КАМБАҒАЛЛИК ҚИСҚАРТИРИЛАДИ

Бундан бир ҳафта аввал Президент Шавкат Мирзиёев раислигида камбағалликни қисқартириш ишларини кейинги сифат босқичига олиб чиқиш масалалари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган долзарб вазифалар ҳар биримизнинг зиммамизга жуда катта масъулият ва жавобгарликни юклайди.



Ахтам ХАЙТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Спикери ўринбосари, O'ZLIDEP Сиёсий Кенгаши
Ижроия қўмитаси раиси

5

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги:

“Микрокредитбанк” АТБнинг 94 нафар бошқарув ходими 96 та тадбиркорлик субъектида, “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБнинг 41 нафар бошқарув ходими 46 та тадбиркорлик субъектида ҳамда “Туронбанк” АТБнинг 13 нафар бошқарув ходими 13 та тадбиркорлик субъектида таъсисчи сифатида фаолият юритиб келаётганлиги аниқланди.

Изоҳга ҳожат йўқ!



6

Ҳожиакбар НУРМАТОВ:

Ўзбек санъатининг Ҳамлети

“Мен тантанали юбилей ўтказишдан қўрқаман. Тасаввур қилинг-а, сахнада терлаб-пишиб ўтирибман. Нотиклардан бири “Ҳожиакбар мард одам, виждонли одам, ҳалол инсон”, деб алқаяпти. Лекин залда ўтирган қорақўзлар ичида менинг қаердадир тубан тушганимга, ёлғон гапирганимга гувоҳ бўлганлар бор. Ўша ўткир нигоҳлардан ҳаё қиламан”.



ТАДБИРКОРЛАР ВА ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ПАРТИЯСИНИНГ

◀◀ Бошланиши 1-саҳифада.

Партия она-Ватанимизда амалга оширилётган ислохотларнинг бош мақсади инсонга, унинг эркин ҳаёти, кадр-қиммати ва фаровонлигига қаратилганини эътироф этади. Биз бугун халқимиз ва давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва бизнес ҳамжамияти ҳаётининг барча жабҳаларини эркинлаштириш, “ЎЗБЕКИСТОН – 2030” Стратегиясида белгиланган 100 та муҳим мақсадга эришишдек эзгу ният атрофида жипслашганга гувоҳ бўлмоқдамиз.

Халқимиз иродаси билан 2023 йил 30 апрелда ўтказилган референдумда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг мустақкам ҳуқуқий асосларини яратиб берди.

Шу билан бирга, янгиланган конституциявий-ҳуқуқий шароитда мамлакат тараққиётини янада жадаллаштириш бугунги давр талабидир.

Инсонларимиз фаровон ҳаёт кечириши, фарзандларимиз сифатли таълим ва тиббиётдан баҳраманд бўлиши, аёлларимиз ва нурунийларимиз, жамки юртдошларимиз бахтли яшashi, халқимиз дастурхон тўкин бўлиши ҳамда эртанги кунимиз ёруғ бўлиши учун партия ўз олдига қуйидаги 5 аниқ мақсад буйича 500 вазифа қўяди:

- Барқарор иқтисодий ўсиш орқали ҳар бир инсон, оила ва жамият фаровонлигига эришиш;
- Сифатли таълим, тиббиёт ва кучли ижтимоий ҳимояни таъминлаш;
- Аҳолига қулай атроф-муҳит шароитларини яратиш;
- Халқ хизматидаги адолатли ва замонавий давлатни барпо этиш;
- Мамлакатимиз суверенитети ва хавфсизлигини кафолатлаш.

I. БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОРҚАЛИ ҲАР БИР ИНСОН, ОИЛА ВА ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИГА ЭРИШАМИЗ

Янгиланган Конституцияда қулай ишбилармонлик ва инвестициявий муҳит яратиш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг ҳуқуқий кафолатлари яратилди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда бизнес юритиш қўламли ҳали замон талаби даражасида эмас, тармоқларнинг имкониятларидан етарлича фойдаланилмаётгани, аҳоли розилигига эришиш йўлида тезкор ҳал этилиши шарт бўлган муаммолар талайгина.

Шу боис, партия барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг самарали ечимларини тақдир қилади.

Янги ички маҳсулот ҳажми 2030 йилга бориб, 160 миллиард долларга, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад эса 4 минг долларга етказилади. Шу тариқа Ўзбекистон дунёнинг даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлари қаторига кириши учун асос яратилади.

Ўзбекистонни тадбиркорлар мамлакатига айлантиради – тадбиркорлар сонини 3 миллион нафардан ошириш учун барча зарур чораларни кўрамай.

Барқарор иш жойларини яратиш, камбағалликни қисқартириш

Келгуси беш йиллик якунида юртимиздаги камбағаллик кўламини икки карра камайтириш устувор вазифамиз бўлади.

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилишнинг маҳаллабай дастурларини ишлаб чиқишни партияимиз ўзининг энг муҳим вазифаси қилиб белгилайди.

Туман, шаҳар, маҳаллаларнинг алоҳида мастер-режалари ишлаб чиқилади, тадбиркорлик оммавий тус олишига эришилади. Ишсизликнинг паст даражасига тушишига эришилади.

Касб-хунарга ўқитиш қўламли ҳар йили икки баравар оширилиб, беш йилда камида 1 миллион фуқаро бозори қаққон касбларга ўргатилади. Нодавлат таълим муассасалари иштироки 30 фоиздан оширилади ва мономарказлар барча туман(шаҳар)ларда ташкил қилинади.

Мақтаб битирувчиларига давлат томонидан камида бир касбни эгаллашга кўмаклашувчи тизим жорий этилади.

Оилавий тадбиркорларга дастурлари доирасида имтиёзли кредит ҳажмлари ҳар йили 30 фоизга ошириб борилади.

Ижтимоий тадбиркорлик янада рағбатлантирилади, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини иш билан таъминлаб келаётган тадбиркорларга мол-мулк ва ер солиғидан имтиёзлар берилди. Оғир вазиятга тушиб қолган фуқаролар учун кредит таътиллари бериш тизимини жорий этамиз.

Ички меҳнат миграциясини ривожлантиришга эътибор қаратамиз. Бандликни молиявий қўллаб-қувватлаш манбаслари кенгайтирилади.

Хусусий бандлик агентликларини тизимини ривожлантирамай.

Янги фойдаланишга киритилган ерларни аҳолига бўлиб беришни тақдир қиламиз.

Давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чекламайиз, қулай бизнес, инвестиция ва рақобат муҳитини шакллантирамай.

Биз иқтисодиётда давлат иштирокини кескин қисқартириш, давлат мулкни хусусийлаштириш орқали хусусий сектор улшини ошириш, монопол соҳаларни бозор тамойилларига ўтказиш тарафдоримиз.

Давлат органлари мансабдор шахсларининг тадбиркорлик фаолиятига, шу жумладан, фермерлар фаолиятига (ҳосилни тасарруф этиш, нарх белгилаш ва б.) аралашувини қатъий тақиқлаш учун барча зарур чораларни кўрамай.

Тадбиркорлар фаолиятига ҳар қандай ноқонуний усулда аралашганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтирамай.

Қонуний фаолият юритаётган ва солиқларни ўз вақтида тўлаётган тадбиркорларни текширмасликни таъминлаш тарафдоримиз.

Хусусий мулк дахлсизлигини бузиш, қонуний талабларга риоя этмаган ҳолда ер участкаларини олиб қўйиш, мол-мулкка зарар етказиш учун жиноий жавобгарликни кучайтирамай.

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган жиноят турларини камайтириш, мазкур соҳани либераллаштириш тарафдоримиз.

Бизнес юритишни янада соддалаштириш, 1000 га



яқин бюрократик талабларни бекор қилиш чораларини кўрамай.

Лицензиялар сонини икки бараварга камайтирамай, лицензия бекор бўладиган 60 та фаолият учун хабардор қилиш тизимини жорий этамай.

Яширин иқтисодиёт иллати билан бизнесга тўсиқ яратмайдиган воситалар орқали мурасасиз курашамиз.

Хусусий сектордаги иш берувчиларнинг меҳнат қонунчилигидаги ҳодим олдидagi мажбуриятларини соддалаштирамай.

Жаҳон савдо ташкилотига киришни жадаллаштириш учун, хусусан, тадбиркорларга берилган имтиёзлар адолат, тенглик нуқтаи назаридан қайта қўриб чиқилади.

Самарасиз корхоналар давлатдан қўшимча ёрдам олмасдан, хусусий сектор каби “ўз аравасини ўзи тортиши” тарафдоримиз.

Сув ҳўжалиги, экология, энергетика соҳаларида давлат-хусусий шериклик лойиҳалари амалга оширилишини кенгайтириш тарафдоримиз.

Йўл қурилиши, газ ва электр етказиб бериш соҳаларига хусусий бизнесни кенг жалб этиш ташаббуси билан чиқамиз.

Келгуси 5 йилда иқтисодиётда нодавлат сектор улшини 85 фоизга етказиш буйича барча зарурий чораларни кўрамай.

Давлат улшини мавжуд корхоналар сонини 6 баробарга камайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Давлат харидларида шаффофликни ошириш ва унда кичик бизнес иштирокини янада кенгайтириш мақсадида “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун изчил такомиллаштирилади.

Келгуси йилларда 250 миллиард долларлик, жумладан, 110 миллиард доллар хорижий инвестициялар ва 30 миллиард доллар давлат-хусусий шериклик доирасидаги инвестицияларни жалб қилиш буйича чора-тадбирлар қўрилишини қўллаб-қувватлаймиз.

Банк бозорига нуфузли чет эл банклари кириб келиши, нобанк молиявий хизматларини кенгайтириш учун зарур имкониятлар яратилади.

Фонд бозори ҳажми 10 миллиард долларга етказилади. Акцияларнинг бирламчи (IPO) ва иккиламчи (SPO) оммавий тақдирли ўтказилган корхоналар рўйхати кенгайтирилади.

“Капитал бозорини ривожлантириш тўғрисида”ги қонуни ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Криптоактивлар бозорини ривожлантириш ва соҳадаги қонунийликни либераллаштириш буйича аниқ чоралар кўрамай.

Хусусий жамғариб бориладиган пенсия тизими ташкил этилиши учун барча қонуний асослар яратилишини қўллаб-қувватлаймиз.

Инвестиция кодексини ишлаб чиқишни тақдир қиламай.

Хорижий сармоядорлар учун ерларни ижарага бериш муддатини 25 йилдан 49 йилгача узайтириш ташаббусини илгари сурамай.

“Венчур инвестициялар тўғрисида”ги ва “Крауд-фандинг тўғрисида”ги янги қонунларни ишлаб чиқишни тақдир қиламай.

“Тадбиркорлик кодекси” қабул қилинишини жадаллаштирамай.

• Биз барқарор, содда ва адолатли солиқ сиёсати тарафдоримиз!

Солиқ маъмуричилиги тизимини соддалаштириш, барча тадбиркорлар учун солиқни тўлаш борасида адолатли ва тенг шароитлар яратиш, солиқ ставкаларининг ўзгармаслигини таъминловчи сиёсат юритилиши йўналишида иш олиб борамай. Солиқ ҳисоботида инсон омили таъсирини кескин камайтириш чораларини кўрамай.

Айланмадан олинмаган солиқ тўловчилар учун товарларни реализация қилишдан олинган жами даромад миқдори чегарасини БҲМнинг 5 минг баробари даражасида белгилашни тақдир қиламай.

Солиқ кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатлардаги тадбиркорлик субъектининг ҚҚС тўловчи сифатида

рўйхатдан ўтиши учун айрим талабларни бекор қилиш, онлайн назорат касса машиналарининг дастурий таъминотини давлат томонидан юритилишини жорий этиш орқали тадбиркорлар улардан фойдалангани учун ундирилмаган ҳар ойлик тўловни мақбуллаштириш тарафдоримиз.

• Саноат тармоқлари ва замонавий сервисни иқтисодиёт драйверига айлантирамай

Илғор технологияларга асосланган саноатни ривожлантириш ва шу орқали саноат маҳсулотлари ҳажмини

1,4 баробарга, меҳнат унумдорлигини 2 баробарга ошириш, 115 миллиард долларлик йирик лойиҳаларни амалга ошириш буйича зарур чораларни кўрамай.

Саноатда таннархни камайтириш сиёсатини олиб борамай.

Махсус саноат зоналарини хорижий компанияларга аутсорсинг асосида бошқарува берамай.

Автомобиль ишлаб чиқариш ҳажмини йилига 1 миллион донага етказиш чоралари қўрилиши электротизимини хоҳиш-истагига ҳамроҳандир.

Ўзбекистонни минтақавий “тўқимачилик хаби”га айлантириш учун соҳадаги тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Саноатда қўшилган қиймат ҳажмини 45 миллиард долларга етказиш ва 2,5 миллиард юқори даромадли иш ўринларини яратиш буйича барча зарур чоралар қўрилади.

Саноатни ривожлантириш жамғармаси молиялаштириш имкониятларини 1 миллиард доллардан ошириш тарафдоримиз.

Кичик саноат зоналарида инвестиция мажбуриятини бажарган тадбиркорларимизга ер участкаларини хусусийлаштиришга руҳсат беришнинг қонуний асосларини яратамиз.

Салоҳиятли тадбиркорларга кичик ва ёшлар саноат зоналаридан 10 йилгача бўлиб тўлаш имтиёзи билан ер ажратилиши тарафдоримиз.

• Экспорт салоҳиятини юксалтирамай

Экспорт ҳажмини 45 миллиард долларга етказилади. Биз “Янги Ўзбекистон – рақобатбардош маҳсулотлар юрти” фойси тезроқ амалга ошишида етакчи куч бўламай.

50 та нуфузли хорижий бренд билан махсус экспорт зоналари ташкил қилиниши, экспортчи тадбиркорлар учун кредит фойз ставкалари камайтирилиши борасида иш олиб борилади.

Ҳар бир туманда камида мингта иш ўрни яратадиган 2 тадан янги саноат зоналарини ташкил қилиш, “IT” хизматлари экспорти 5 миллиард долларга олиб чиқилади.

• Юқори иқтисодий ўсишни таъминловчи барқарор ва самарали молиявий хизматлар бозорини шакллантирамай

Партия бу йўналишда фискал барқарорликни таъминлаш, инфляцияни прогноз кўрсаткичлари доирасида жиловлаш, асосий турдаги товар ва хизматлар нархлари барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратади.

Кредит ресурслари таннархини пасайтириш орқали кредит фойзаларини 3-4 бандга камайтириш чораларини кўрамай.

Йиллик кредитлаш ҳажмини 40 миллиард долларга етказиш, иқтисодиётга кредит қўйилmalarининг ялли ички маҳсулотга нисбатан улшини ошириб, омонатлар ҳажмини 4 баробарга кўпайтирамай.

• Инфратузилма ва туризмни ривожлантирамай

Туман марказларидан ҳар бир қишлоққача 5,5 минг километр цемент-бетон йўллар қурилиши, аҳоли пунктлари жамоат транспортини билан тўлиқ қамраб олиниши диққатимиз марказида бўлади.

Барча аҳоли пунктлари ичимлик суви билан таъминлашни учун йўналтирилган 2,5 миллиард доллар маб-лағнинг мақсадли сарфланишини қатъий назоратга оламай.

Иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини зарур энергия ресурслари билан узлуқсиз таъминлаш бизнинг асосий мақсадларимиздан бўлади.

Янги Ўзбекистонда сайёҳлик индустрияси кенгайтириш учун ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида худудларнинг туризм мастер-режалари ишлаб чиқилади.

Агротуризм имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида “Агротуризм – 2030” стратегиясини ишлаб чиқишни тақдир қиламай.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Оролбўйида эко-туризмни ривожлантириш буйича алоҳида дастур қабул қилинишига кўмаклашамиз.

Давлат-хусусий шериклиги асосида транспорт, йўл қурилиши, сув ҳўжалиги каби устувор соҳаларга 14 миллиард доллар инвестиция жалб этишга ҳар томонлама кўмаклашилади.

Йирик аэропортлар модернизация қилиниши, хусусий авиакомпаниялар сонини янада кўпайтишига хайрихоҳамиз.

Йўлларни реконструкция қилиш ва сақлаш учун хусусий секторни жалб қилиш тарафдоримиз.

Биз тартибсиз урбанизация жараёнига барҳам бериш, уни яқин ва олим келажакни жиддий ҳисобга олган ҳолда тизимга солиш керак, деб ҳисоблаймиз. Шу мақсадда барча аҳоли пунктларининг бош режалари тайёрланади. Объектлар ижтимоий-иқтисодий ҳамда демографик ўсишини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади.

Реновация дастурларини амалга ошириш авария ҳолатидаги кўп қаватли турар жойларни янгилашда муҳим ўрин тутишини эътироф этамай. Айни пайтда бу дастурлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган яқка тартибдаги турар жойлар ҳамда демографик ўсишни ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади.

Реновация дастурларини амалга ошириш авария ҳолатида уй-жой мулкдорлари, тадбиркорларнинг мулк ҳуқуқини ва қонуний манфаатлари мутлақ кафолатлашни тарафдоримиз. Токи, мулкдорнинг розилигисиз мулк тақдирини билан боғлиқ ҳеч қандай қарор қабул қилинмасин.

Ушбу йўналишда ҳам таъсирчан парламент ва жамоатчилик назоратини олиб борамай.

Йўл-транспорт ҳодисаларини кескин камайтириш учун йўл инфратузилмасини тубдан яхшилаш ва йўл белгиларини тўғри ва зарурий жойларга ўрнатиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Шаҳарларда тирбандликнинг олдини олиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида автотураргоҳлар қуриш учун ер участкаларини хусусий тадбиркорларга бериш тарафдоримиз.

Қишлоқ ва овулларни Интернет билан тўлиқ қамраб олиб, унинг тезлигини 10 карра оширамай.

Ирригация, дренаж тизими, чикиндини қайта ишлаш, ижтимоий объектларда энергия ва иссиқлик таъминоти тизимини бошқаришга давлат-хусусий шериклик механизмлари кенг жорий этамай.

• Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаймиз ва аграр соҳани ривожлантирамай

Бу борада аҳолининг сифатли озиқ-овқат маҳсулотига бўлган талабини тўла қондириш ва ички бозорда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари нархлари барқарорлигига эришиш – бош вазифамиз.

Қишлоқ ҳўжалигида 1 гектар ердан олинмаган ўртача даромадини 5 минг долларга етказиш учун барча имкониятларни ишга соламай.

Фойдаланилмаётган майдонларни узлаштириш ҳисобига 300 минг гектарда интенсив боғ ва узумзорлар барпо этиш тарафдоримиз.

Ҳар бир маҳаллада етиштирилган маҳсулотларни қабул қилиш, саралаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишга кўмаклашувчи шохобчалар ташкил этишни қўллаб-қувватлаймиз.

Деҳқон ҳўжаликлари ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратамиз. Етиштирилган маҳсулотларни сақлаш учун 2,5 миллион тонна қувватга эга бўлган 100 та агрологистика марказини ташкил қиламай.

Органик маҳсулот етиштираётган фермер ҳўжаликлари учун солиқ имтиёзларини жорий этиш керак, деб ҳисоблаймиз.

Соҳада экспортни йилига 10 миллиард долларга етказиш учун барча имкониятларни сафарбар этамай.

Биз қишлоқ ҳўжалигини иқлим ўзгаришларига мос ҳолда ривожлантириш, тупроқ ва йўловлар деградациясининг олдини олиш юзасидан Миллий дастур қабул қилиниши тарафдоримиз.

Соҳага 15 миллиард доллар инвестициялар жалб этишни таъминлаш ташаббусини амалга оширишга кўмаклашамиз.

Фермер ва деҳқонларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг имкониятларини кенгайтиришни тақдир қиламай.

Фермер ва деҳқонларга имтиёзли кредитларни ажратиш, уларнинг қайтариш муддатларини масъулийликдан келиб чиққан ҳолда белгилашни тақдир қиламай.

Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ҳақиқий бозор активига айлантириш, ижара ҳуқуқини бўлиб сотиш, ундан гаров предмети сифатида фойдаланиш учун қонуний базани такомиллаштирамай.

“Агротуризм кластерлари тўғрисида”ги қонуни ишлаб чиқамиз.

Қишлоқ ҳўжалиги экинлари ва чорва молларини суғурталаш тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштирамай.

Хориждан серҳосил, касалликларга чидамли ўсимлик уруғлари, қўчатлари олиб кирилиши йўлидаги тўсиқларни олиб ташлаш чораларини кўрамай.

• Рақамли иқтисодиёт ва сунъий интеллектга эътибор қаратамай

Рақамли иқтисодиёт, инновацияларни ривожлантириш, сунъий интеллектдан унумли фойдаланишни рағбатлантирувчи ҳуқуқий ва молиявий шароитларни яратиш, рақамли саноатни жадал ривожлантириш дастурлари қабул қилинишини тақдир қиламай.

Рақамли технологияларга ихтисослашган корхоналарнинг экспорт фаолиятини жадаллаштириш диққатимиз марказида бўлади.

“Чип саноати”, сунъий интеллект, нанотехнологиялар ва шу каби илғор тармоқларни ривожлантириш буйича дастур ишлаб чиқамиз.

Биз сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ва қўллаш, рақамли маълумотларни қайта ишлашнинг умумий тамойиллари ва меъёрлари, стандартлари ва қоидаларини ўрнатишни мақсад қилганамиз. Тақси ҳайдовчиларидан тақси компаниялар (электрон тақси хизматлари) фойдасига ушланадиган комиссия ставкалари миқдорларини тартибга соламай.





ИШБИЛАРМОНЛАР ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ



II. СИФАТЛИ ТАЪЛИМ, ТИББИЁТ ВА КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИ ТАЪМИНЛАЙМИЗ

Янгиланган Конституцияда Ўзбекистон "ижтимоий давлат" деб эълон қилинди, унинг ижтимоий мажбуриятлари уч баробарга кўпайди.

Кейинги йилларда ижтимоий давлат тамойилларини амалда қўллаш, таълимнинг барча босқичларига қамров ва сифат даражасини ошириш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш йўналишларида кўплаб ишлар амалга оширилди.

Бироқ ҳали соҳада ўз ечимини қутаётган масалалар мавжуд.

• Сифатли таълимга эришамиз

Биз, таълим ва интеллектуал ривожланиш бўйича Янги Ўзбекистон дунёдаги етакчи мамлакатлар қаторига кириши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Мактабгача таълимга бўлган эҳтиёжни тўлиқ қондиришни кафолатлаймиз. Бунда давлат-хусусий шериклик ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари биринчи навбатда қўллаб-қувватланади.

Ота-оналар фикри инобатга олиниб, барча боғчаларни компьютер сифи билан таъминлашига эътибор қаратамиз.

Мактабгача таълим ташкилотлари ва умумий ўрта таълим муассасалари педагог ходимларининг ўртача иш ҳақини 2 баробар ошириш чораларини кўрамиз.

Умумий ўрта таълим мактабларида 153 мингдан ортиқ синф раҳбарлари учун тўланадиган маблағ миқдорини кўпайтиришни таъминлаймиз.

Келгуси йилларда Мактабларнинг ривожлантириш давлат дастурини жорий этиш диққатимиз марказида бўлади.

2030 йилга қадар қўшимча 2,5 млн ўқувчи ўрнини яратиш, таълим сифатини тубдан яхшилашни вазифаларимиздан бири сифатида кўрамиз.

Нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари сони 2 баробарга оширилиб, улар фаолиятини йўлга қўйиш учун 1 триллион сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилади.

Давлат ташкилотларидан мустақил бўлган ва холисона баҳолайдиган нодавлат "таълим аудити" тизими жорий қилинишига эришамиз.

Мактаблар ўртасида ўтказиладиган барча танловлар ва тадбирларда нодавлат мактабларининг ҳам иштирокчи таъминлаш тарафдоримиз.

Партияимиз республика ва халқаро олимпиадаларда ғолиб бўлган ўқувчиларнинг ўқитувчилари учун бериладиган мукофотлар ҳажми янада оширилиши устида иш олиб боради.

Кутубхоналар фондини бойитиш ва тўлиқ рақамлаштириш ҳам юқоридagi мақсадларимизга мувофиқ келади.

Партияимиз боғчалар ва мактабларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳамда канализация тармоғига улаш ёки локал канализация тизимларини ўрнатиш масалалари назоратини ўз зиммасига олади.

Профессионал таълим тизимини халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришга эришамиз.

2030 йилгача битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш кўлами 50 фоизга етказилиши учун барча чораларни сафарбар қиламиз.

Жаҳондаги "Топ-500" даги хорижий олийгоҳлар билан ҳамкорликда камда 50 та қўшма ўқув дастури ва "Икки дипломли тизим"ни жорий этиш олий таълим тизими такомиллашувига хизмат қилади.

Ёшларимизни "Топ-100" глобал рўйхатга кирган университетларда таълим олиши учун валютада узоқ муддатли ва имтиёзли кредитлар бериш амалиётини жорий этамиз.

Келгуси йилларда олийгоҳлар учун қўшимча 120 минг ўринли ўқув бинолари ва 150 минг ўринли талабалар турар жойларни қуриш борасидаги вазифалар ижросини назоратга олинишини таъминлаймиз.

Олий таълим муассасаларида илмий тадқиқотлар натижаларини ошириш ва илмий салоҳиятни 70 фоизга етказишга эришамиз.

Илм-фанга йўналтирилган маблағларни ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2030 йилгача 10 баробар оширишга эришамиз.

40 ёшгача бўлган тадқиқотчиларнинг улушини камда 60 фоизга етказиш, илмий ходимларнинг иш ҳақини ўртача 2 баробарга ошириш борасидаги ташаббусларни фаол қўллаб-қувватлаймиз.

Ҳар бир миллион аҳолига тўғри келадиган илмий тадқиқотчилар сонини 2 минг нафарга етказиш учун зарур шароитларни яратамиз.

Биотехнология, сунъий интеллект ва бошқа юқори технология йўналишларда истеъодли ёшларни энг нуфузли хорижий олийгоҳларга давлат ҳисобидан ўқишга юбориш бўйича

200 миллион долларлик дастурларни амалга оширишни муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Глобал Инновация Индексда Топ-50 талик мамлакатлар қаторига киришини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўрамиз.

Янги инновация ишланмалар сонини 2 баравар ошириш, бу ишланмаларни тижоратлаштириш чораларини кўрамиз.

• Жамиятни маърифий юксалтиришга интиламиз

Биз Янги Ўзбекистонни юксак маданият ва маънавиятга эга бўлган, эркин, бахтли инсонлар яшайдиган мамлакатга айлантириш учун бутун куч ҳамда имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Шу муносабат билан "Янги Ўзбекистон - маърифатли жамият" концепцияси ва уни амалга ошириш миллий дастури ишлаб чиқилди.

Илм аҳли ва ижодкор зиёлиларга доимий эътибор қаратиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган ишлар давом эттирилади.

Маданият ва спорт муассасалари, кутубхоналар, театр ва музейларнинг моддий-техник базасини янада яхшилаш юзасидан комплекс тадбирлар амалга оширилади.

• Малакали тиббиётни таъминлаймиз

Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир.

Аҳоли ўртасида касалликларни кескин камайтириш, соғлом турмуш тарзини фаол жорий этиш, ўртача умр давомийлигини 78 ёшга етказиш каби энг муҳим вазифалар бўйича барча имкониятларни ишга солашим.

Келгуси беш йилда бюджетдан тиббиётга ажратиладиган йиллик маблағ ҳажмини камда 2 қарра ошириш, яъни 6 миллиард долларга етказишни асосий мақсадлардан бири сифатида белгиланган.

Асосий эътиборни касалликлар профилактикасига қаратамиз.

Келгуси йилларда оналар ва болалар ўлими, болалар ўртасидаги ирсий касалликларни камда 2 баробарга қисқартириш, онкологик, юрак-қон томир, қандли диабет бўйича эрта ўлимни эса 2,5 баробарга камайтиришга бор кучимизни сафарбар этамиз.

Хотин-қизлар ўртасида онкологик касалликларни камайтириш мақсадида 40 ёшдан ошган аёллар учун тегишли даврийликда тиббий кўрикдан ўтиш жорий қилинади.

Кафолатланган бепул тиббий ёрдам, унинг аниқ ҳажмининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқамиз.

"Тиббий сугурта тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни тезлаштирамиз.

Партия соғлиқни сақлаш тизими тўлиқ рақамлаштирилишини кенитириб бўлмайдиган вазифалардан, деб билади.

Фуқароларга тиббий хизматлар учун кредитлар ажратиш тизими жорий қилишни таъминлаймиз. Саломатликни тиклаш учун банкдан имтиёзли 3 йил муддатдаги кредит олиш имкониятини яратиб берем.

Юрак нуқсонли бор 5 минг болани ва кўриш қобилиятини йўқотиш эҳтимоли юқори бўлган 10 минг чақалоқни ҳар йили бепул даволаш чоралари кўрилади.

Онкологик беморлар даволаниши, соғайиб кетиши учун зарур шароитлар яратилади, уларнинг одатий ҳаётга қайтишига кўмаклашамиз.

Эҳтиёжманд оилаларнинг онкологик касаллиги бор фарзандларига ўзақ ҳужайраларини трансплантация қилиш харажатлари тўлиқ давлат ҳисобидан қопланади.

Эҳтиёжманд оилаларнинг онкологик касаллиги бор фарзандларига ўзақ ҳужайраларини трансплантация қилиш харажатлари тўлиқ давлат ҳисобидан қопланади.

Партия нодавлат тиббиёт муассасаларига аҳолининг ҳаёти, соғлиги ва санитария-эпидемиологик хотиржамлиги учун юқори даражадаги хавф-хатар билан боғлиқ тиббий фаолият турларидан бошқа барча тиббий хизматларни кўрсатишга, мураккаб операцияларни амалга оширишга рухсат бериш ва лицензиялаш тартибини янада содда-лаштиришни таъминлаймиз.

Чекка ҳудудларда таълим ва соғлиқни сақлаш ташкилотларидаги юқори малакали мутахассислар учун тиббий хизмат кўрсатиш, қўшимча таътил кунлари, саёҳат учун тўловлар, уй-жой ижарасини ўз ичига олган "Ижтимоий пакет" тизимини жорий этишни таъминлаймиз.

Шифокорларни хорижий мамлакатларга тажриба алмашиш учун давлат ҳисобидан юборишда нодавлат тиббиёт ташкилотлари шифокорлари учун ҳам квоталар ажратишни таъминлаймиз.

Давлат тиббий сугуртаси билан бирга нодавлат тиббий сугурта тизимини жорий этишни муҳим ташаббус сифатида илгари сурамиз.

Шу тарихда тиббиётда хусусий секторнинг улушини 25 фоизга етказиш чоралари кўрилади.

Мамлакатга сифатсиз ва инсон ҳаёти учун хавфли дори воситалари оlib қилишига қатъий чек қўйилади.

Замонавий фармацевтика кластерлари ҳамда зоналар ташкил этилади, мавжудлари фаолиятининг самарадорлиги оширилади.

• Фуқароларни мақбул уй-жой билан таъминлашга эришамиз

"Ҳар бир оила ўз уйига эга бўлсин" деган широрни амалга ошириш учун

Келгуси йилларда қўшимча уй-жой қурилиши соҳасига 15 миллиард доллар маблағларни йўналтириш орқали 1 миллион хонадонли уй-жойлар қурилишига алоҳида эътибор қаратамиз.

Қурилиш-пудрат ташкилотлари ҳамда аҳолига имтиёзли ва узоқ муддатли кредитлар берилиши бўйича тизимли иш олиб борамиз. Уч ва ундан ортиқ фарзанди бор 35 ёшгача бўлган шахсларга уй-жой сотиб олиш учун имтиёзли ипотека кредитлари ажратилишига эришамиз.

Янги уй-жой сотиб олган фуқароларга қўшилган қиймат солиғининг ярми қайтариб бериладиган тизим жорий этилади.

Қурилишда яширин иқтисодиётга барҳам берилади.

"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари тизимли давом эттирилади

• Муносиб ижтимоий хизматлар тарафдоримиз

"Янги Ўзбекистон - ижтимоий давлат" тамойилига асосланиб, ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш, камбағалликни қисқартириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширамиз.

Бу борада Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ваколатлари ва фаолият кўлами янада кенгайтирилади.

Маош олувчи фуқароларни меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3 баробаргача даромад солиғидан озод этилишига эришамиз.

Электр энергияси ва табиий газ истеъмоли бўйича белгиланган ижтимоий нормалар миқдорларини мавсумийлик, хонадон аъзоларининг ижтимоий ҳимоя реестрига киритилганлиги ва оилалар сонидан келиб чиқиб, қайта кўриб чиқишни таъминлаймиз.

Энергия таъминоти соҳасидаги молиявий ҳисоботларда шаффоқлик ва очиқликни таъминлаш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Ногирон шахсларни қўллаб-қувватлаш бўйича ишлар давом эттирилади.

Ортопедия, реабилитация, тиббиёт ва дори воситаларини ногирон шахсларнинг ўзи танлайдиган, давлат эса пулини тўлаб тўлаб берадиган тизим жорий этилади.

Протез-ортопедия буюмлари билан таъминлаш учун йўналтирилган маблағларни 250 миллиард сўмга оширилади.

Ногиронликни белгилаш жараёнларини содда-лаштириш, сарсонгарчиликка йўл қўйилмаслик, Тиббий ижтимоий эксперт комиссиялари бемор тўғрисидаги маълумотларни электрон тизимдан олиш ва электрон расмийлаштириш керак, деб ҳисоблаймиз.

Партия ногиронликни белгилашда ижтимоий моделга ўтиш йўналишида тизимли иш олиб боради. Ишлаш истагидаги ногирон шахсларга зарур шароитлар яратилиши қўллаб-қувватлайди.

Шунингдек, оиласидаги ногирон шахсга қаровчи эҳтиёжманд инсонларга иш ҳақи тўлаш тизимини жорий қилиш ҳам иккиси манфаатига хизмат қилади.

Биз ногиронлиги бўлган шахсларни бизнесга жалб қилиб, даромад топишга ўргатган тадбиркорларга энгил-

Ёшлар учун махсус уй-жойлар қуриш ва ҳар йили 1 мингта ёш оиллага имтиёзли ипотека кредитларини беришни таъминлаймиз.

Хотин-қизларимиз ҳаётидан рози яшашлари учун барча шароитларни яратамиз

Партия учун хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, гендер тенглик масалалари бундан буён ҳам асосий вазифа бўлиб қолади.

Жамиятда аёллар тадбиркорлигини фаоллаштиришга қаратилган сиёсатни изчил давом эттирамиз.

Аёлларнинг масофавий меҳнат ва рақамли тадбиркорлик бўйича кўникмаларини оширишга жиддий эътибор қаратамиз.

Шу орқали аёллар орасидаги ишсизлик даражаси 2 марта камайтирилади.

Бошқарув лавозимларидаги хотин-қизлар улушини камда 30 фоизга кўпайтириш тарафдоримиз.

Қийин аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар учун ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш хизматини кенгайтиришнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаймиз.

Туғруқ таътилидаги аёллар учун онлайн ишлаш тизимини жорий этиш юзасидан ҳуқуқий асослар яратилиши бўйича изчил иш олиб борамиз.

Тадбиркорлик субъектларининг ёпилиши натижасида ишсиз қолган ёш болали аёлларни қўллаб-қувватлаш учун уларни ишсизликдан сугурталаш тизимини жорий қиламиз.

• Ёши улуғ инсонларни қўллаб-қувватлаймиз

Кексалар соғлигини тиклаш ва мазмунли дам олиш учун алоҳида дастур қабул қилиш тақдирини илгари сурамиз.

Мамлакатимиздаги уч миллиондан ортиқ нурунийлар ҳар йили бепул тиббий кўрикдан ўтказилиши, шифохона ва сиҳатгоҳларда даволаниши, улар учун юртимиз бўйлаб саёҳатлар ташкил этилишига кўмаклашамиз.

"Кексалар саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш орқали 70 ёшдан ошган кексаларга бепул тиббий ва зарур ижтимоий хизматни кучайтиришни илгари сурамиз.

Пенсия тизимини такомиллаштириш орқали жамғариб бориладиган пенсия тўловларининг бир қисмини фуқаролар эҳтиёжлари учун улар пенсия ёшига етмасидан тўлаб бериш амалиётини жорий қиламиз.

III. АҲОЛИГА ҚУЛАЙ АТРОФ-МУҲИТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТАМИЗ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда экологик вазиятни яхшилаш, экологик хавфсизликни таъминлаш, чиқиндиларнинг инсонлар соғлиғига зарарли таъсирини олдини олиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ҳолати сифатини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Мамлакат миқёсида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида юртимизда 1 миллиард туп қўчат экилиб, Орол денгизининг қуриган тубида 2 миллион гектар майдонда ўрмонлар барпо этилди.

Мамлакатимизда кейинги олти йилда сув тежовчи технологиялар жорий қилинган майдонлар 700 минг гектардан ошди. Ўзбекистонда "яшил иқтисодиёт"га ўтиш бўйича ҳам муҳим қадамлар ташланди.

Бироқ, эришилган натижаларимиз билан бирга қатор муаммолардан ҳам кўз юммаслигимиз керак.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик ҳолатлари учун таъминоти, шаҳарларда чанг-газ миқдори мейв-ёрдан 4 баравар ошганлиги, ҳудудларда яшил майдонлар қисқарганилиги бу соҳада ҳали қилинадиган ишларимиз кўплигидан далolat беради.

Шу боис, она табиатимизни асраб-авайлаб, келажак авлодларга безавол етказиш бўйича таъсирчан чораларни кўрамиз. Мазкур йўналишда қуйидагиларга эътибор берилиши муҳим, деб ҳисоблаймиз:

• Сув ресурсларидан оқилона фойдаланамиз

Сув ҳўжалигида давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг асосларини жорий этиш жуда муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Чунки сув ресурслари муаммоси келгуси ўн йилликларда минтақамиз ва мамлакатимиз учун энг долзарб масала бўлиб қолади.

Бугунги кунда 70 фоиз ерлар эски усулда сугорилмоқда. 60 фоиз каналлар бетонланмагани оқибатида йилга 16 миллиард метр куб сув йўқотилмоқда.

Шу сабабли, беш йил ичида барча экин майдонларида сув тежайдиган технологияларни жорий этиш зарур.

Сув тежайдиган технологияларни жорий қилган фермер ва деҳқонлар харажатининг 50 фоизини қоплаб бериш тизимини жорий этиш тартибини ўрнатамиз.

Фуқаролар хонадонига сув филтратларини ўрнатиш учун имтиёзли асосда истеъмо кредитлари ажратиш, мамлакатимизда тоза сувнинг таркибига нисбатан ягона стандарт жорий қилиш мақсадида "Тоза сув" лойиҳасини амалга оширишни қўллаб-қувватлаймиз.

Сув кодекси лойиҳасини ишлаб чиқамиз. Хонадонларда, корхона ва ташкилотларда сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш, ёш авлодди шу мақсадда ўқитишни рағбатлантирамиз.

• Қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаймиз

Фуқаролар экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳит зарарланишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти ҳамда иссиқлик энергияси истеъмоли соҳаларида жамоатчилик назоратини кучайтирамиз.

Барча қишлоқ ва шаҳарларни қаттиқ маиший чиқиндиларни тўлаш хизматлари билан тўлиқ қамраб олиб, уларни қўлаш ишларини камда 65 фоизга етказамиз.



ликлар бериш тартибини кенгайтириш тарафдоримиз.

Спортни янада оммалаштиришга эътибор қаратамиз.

• Келажакимиз эгалари - ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз

Партияимиз ёшлар учун манфаатли иш ўринларини яратиш, тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришга кўмаклашиш йўналишларида тизимли иш олиб боради.

Ёшларни ўқуш ва замонавий касбларга, хорижий тилларга ўқитиш, маънавиятини, маърифатини юксалтириш, китобхонлигини ошириш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда "IT" соҳаси ва спортга кенг жалб этиш борасида пухта ишланган режаларини амалга оширади.

Ёшлар бандлиги ва ишбилармонлигини фаол қўллаб-қувватлаймиз. Хусусан, ишсиз ёшларни замонавий касбларга ўқитиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқамиз.

Корхоналар бюрократияси асосида касбга тайёрлаш амалиётини жорий қиламиз.

Партия ўз зиммасига ҳар бир вилоятда камда 100 гектар майдонда "Ёшлар ижтимоий-иқтисодий маркази"ни ташкил қилинишига эришиш вазифасини олади. Режаимизга қўра, ушбу марказлар ёшларимиз учун чинакам "лоийҳалар фабрикаси" бўлади.

Ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш учун микроолиялаш хизматларини кенгайтириш ва замонавий молиявий инструментлардан кенг фойдаланиш учун имкониятлар яратамиз.

Ўз бизнесини ижарага олинган бинода бошлаётган ёшларимизга бир йиллик ижара харажатининг 50 фоизи қоплаб берилади.

Талабалар учун давлат ташкилотларида иш ҳақи тўланадиган стажировка тизимини ривожлантириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Олий таълим муассасалари ҳузурда ташкил қилинган "Карьера ва стажировка марказлари" фаолиятини такомиллаштириш тарафдоримиз.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш мақсадида ҳар бир маҳаллада "Мустақил ривожланиш" марказлари ташкил қилиниши партиянинг ёшларга оид сиёсати ҳамроҳандир.

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

◀◀Бошланиши 1-2-3-саҳифаларда.

Барча ҳудудларда, аввало, Тошкент шаҳрида **атмосфера ҳавосини яхшилаш** бўйича "Мусаффо ҳаво – 2030 миллий дастури"ни қабул қиламиз.

Ҳудудларда **экологик аудит** ўтказиш ва унинг натижаларини **жамоатчиликка** эълон қилиш амалиётини йўлга қўйиш муҳим.

Экологик тоза транспортлар учун зарур инфратузилмани ривожлантиришимиз, **электр транспорт воситаларини оммалаштириш бўйича қўшимча имтиёзлар** тўғрисидаги қонунни қабул қилиш зарур.

• **Атроф-муҳитга зарарли ташланмаларни қисқартирармиш ҳамда инсон фаолиятининг табиатга салбий таъсирини камайтирармиш**

Кўмир, мазут каби энергия манбалари атроф-муҳитга кучли зарар етказмакда. Улар ўрнига босқичма-босқич **экологик тоза геотермал** ва бошқа қайта тикланувчи энергия турларини кенг йўлга қўйиш талаб этилади.

Эски автотранспорт воситалари учун **"Trade in"** тизимини жорий этиб, уларни юқори экологик стандартлардаги автотранспорт воситаларига айирбошлаш истагидаги фуқароларга керакли маблағни **узқ мuddатда** бўлиб тўлаш имкониятларини яратамиз. Бу имкониятларни, энг аввало, **ўқитувчи ва шифокорларга** бериш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ишлаб чиқариш корхоналари томонидан **атроф-муҳит ва ҳавога зарарли** чиқиндиларни ташлаш **кўрсаткичлари ҳисобланиб**, уларни камайтириш стратегиясини ишлаб чиқиш керак, деб биламиз. Стратегия ижросини таъминлаган корхоналарга энгилликлар яратамиз.

• **Оролбўйи минтақасига бирламчи эътибор қаратамиз**
Орол денгизининг қуриган тубида **қўшимча 500 минг гектар** яшил майдонларни барпо этиб, уларнинг умумий ҳажмининг **2,5 миллион гектарга** ёки **ҳудуднинг 78 фоизига** етказамиз.

Оролбўйида халқаро **"Яшил иқлим"** ва **Глобал экологик** жамғармаларининг буюклима-хиллик, иқлим ўзгариши ва тупроқ емирилишининг олдини олишга қаратилган дастурлари асосида **300 миллион АҚШ доллари** қийматидаги лойиҳалар амалга оширилади.

• **"Яшил макон"** умуммиллий лойиҳасини янада кенгайтирармиш

Яшил майдонларни кўпайтириш учун йилга **400 миллиард сўм** ажратиб борилиши аҳоли масканларида экологик муҳитни яхшилайд.

Давлат идоралари, корхоналар, олийгоҳлар ҳам **ўз боғларини** ташкил қилиши, янги уй-жой қуришда **пудратчиларга "яшил ҳудуд"** ва **автотурагоҳ** барпо этиш **мажбурий этиб** белгилашни зарур, деб ҳисоблаймиз.

Мамлакатимизда яшил майдонлар, дарактзорлар, гулзорларни **30 фоизга** етказишга алоҳида диққат қаратамиз. Шаҳарлар ҳамда уларнинг атрофларида **"яшил белбоғ"**лар барпо этиш чораларини кўрамиз.

• **"Яшил иқтисодиёт"** кўламини кенгайтириш тарафдоримиз

Мамлакатимизда **"яшил"** ўсиш орқалигина барқарор тараққиётни таъминлаш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Республикаимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини **2,5 баробарга** ошириб, ишлаб чиқарилган энергияда уларнинг улушини **40 фоизга** етказамиз.

"Яшил" технологияларини кенг қўллаш, **экологик тоза маҳсулотларни** ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришда **ёпиқ цикли технологиялардан** фойдаланишни ривожлантирармиш.

Энергетик хавфсизликни ҳамда иқтисодиётнинг барқарор энергия билан таъминлаш учун **атом технологиялари** ва **энергиясидан** хавфсиз фойдаланиш инфратузилмасини ривожлантириш, **АЭС қуриш** ва ундан хавфсиз фойдаланишни қўллаб-қувватлаймиз.

"Яшил иқтисодиёт"га ўтиш борасида кенг кўламли халқаро ҳамкорликни ривожлантирармиш.

Саноатда **"яшил сертификат"**лар бозори яратилади. Автотураги экологик тоза электр ёки газ ёқилгисига ўтказишни изчил давом эттирармиш.

Қурилишда энергияни тежаш бўйича талабларга қатъий риоя этилиши таъминланади. Энергия самарадорлиги **2 карра** оширилади.

Қишлоқ хўжалигида **агровольтаика** амалиётини кенг жорий қилиш таклиф этилади.

Экологик тоза энергия ишлаб чиқариш жараёнларига **хусусий секторни** кенг жалб қилиш ишларини изчил давом эттирармиш.

IV. ХАЛҚ ХИЗМАТИДАГИ АДОЛАТЛИ ВА ЗАМОНАВИЙ ДАВЛАТНИ БАРПО ЭТАМИЗ

Ўтган даврда республикаимизда **халқ билан мулоқот** қилишнинг мутлақо **янги тизими** яратилди. **Давлат аппаратининг** институционал тизими қайта кўриб чиқилиб, уни **оптималлаштириш**, самарадорлигини ошириш бўйича муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. **Давлат хизматларини** кўрсатиш тизимига **инновацион ёндашувлар** жорий этилди.

Шунинг баробарида бу соҳаларда ўз ечимини кутаётган масалалар талайгина. Давлат ва жамият бошқаруви тизимини такомиллаштириш, очик фуқаролик жамиятини, қонун устуворлиги ва одил судловни таъминлаш, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилётган ислохотларни қатъий давом эттириш бугунги кун талабидир.

Зеро, янги таҳрирдаги Конституцияда Ўзбекистонга **ҳуқуқий давлат**, деган таъриф берилди ва шу асосда **инсон ҳуқуқлари кафолатларига** оид нормалар ҳам **3 баробар** кўпайтирилди.

Бу ишларнинг мантқиқий давоми сифатида **халқ хизматидаги давлатни барпо этиш** вазифасини **Янги Ўзбекистон тараққиётининг асосий тамойилларидан бири** сифатида кўрамиз.

• **Давлат ва жамият бошқаруви инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилади**

Биз, аввало, **инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш** давлат сиёсати, барча давлат органлари фаолиятининг **энг устувор мақсади** бўлиши керак, деган **принципга** таянамиз.

Давлат органлари халққа хизмат қилишнинг самарали воситаси бўлиши шарт. Жамиятимизда **"Қонун ва адолат**

устувор", **"Жиноятга жазо муқаррар"** принципларини янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар **фақат халқ манфаати йўлида** хизмат қиладиган идораларга айланиши учун куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Давлат хизматчилари томонидан **давлат бюджети ҳисобидан ортиқча қиммат нарсалардан** фойдаланиш-ни чеклаш, **қимматбаҳо автомобиллар ва телефонларни давлат ҳисобидан** сотиб олиш тартибга солинади.

Бюджет харажатларини **қисқартиришга эришиш, ижро ҳоқимияти тизимида хизмат машиналари сонини қайта кўриб чиқишни таклиф** қиламиз.

Рақамлаштириш орқали бюрократияни бартароф этиш принципини жадал давом эттирармиш.

Давлат хизматларининг камида **300 тасини (40 фоизини) хусусий секторга** ўтказиш ва фуқароларнинг шахсий иштирокини **2 баробарга** қисқартириш орқали аҳоли учун янги кулайликларни яратамиз.

Фуқароларнинг давлат хизматларидан фойдаланиш учун **муурожаат қилишда аризани ёзиш, турли шаклларни тўлдирishi** каби **ортиқча формал тартибларни** бекор қилиб, **давлат идоралари** зарур ҳужжатларни электрон базадан ўзи оладиган тизим яратамиз.

Бюджет ташкилотлари **харажатларининг шаффофлигини** таъминлашда парламент ва маҳаллий Кенгашлар олдидаги ҳисобдорлигини кучайтириш тарафдоримиз.



Мулк шаклидан қатъий назар, барча меҳнат жамоаларида **иш вақти меъёрларига** қатъий амал қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

• **Фуқаролик жамиятини, маҳалла институтини ривожлантирармиш**

Жойлардаги бошқаруви такомиллаштириб, маҳаллий Кенгаши **халқнинг чинакам овозига айлантирармиш. Ҳоқимларнинг Кенгаши олдида ҳисобдор** бўлиши, масъулияти ва жавобгарлиги ошишини таъминлайдиган тизимни мустаҳкамлаймиз.

Ҳоқим ва маҳаллий Кенгашининг жавобгарлик доираси ва аниқ вазифалари белгиланади. Маҳаллий кенгашлар фаолиятига оид **500 дан** ортиқ қонунчилик ҳужжатлари тизимлаштирилади.

Партия қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили ҳамда илғор хорижий тажриба асосида **нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида қонунчиликни** такомиллаштириш ташаббуси билан чиқади.

Аҳоли фаровонлигини таъминлашда маҳаллани жамоатчилик ва давлат органлари ўртасидаги **"кўприк"**ка айлантиришга алоҳида эътибор қаратамиз.

Маҳаллаларни **"бир қадам"** тамойили асосида фуқароларнинг аксарият масалаларини ҳал этадиган масканга айлантириш масаласи ғоят долзарбдир.

Аҳоли турмушини янада яхшилаш мақсадида **"Ташаббусли бюджет"**га бериладиган маблағлар **3 карра** оширилиши кун тартибига чиқарамиз.

"Ташаббусли бюджет" лойиҳасидан мактабгача таълим, мактаб, тиббиёт муассасаларини молиялаштириш масалаларини **чиқариб**, уларни алоҳида **соҳавий дастурлар** орқали молиялаштириш тартибига ўтишни ҳал этиш масаласини илгари сурамиз.

Халқчил давлатнинг асоси сифатида қонун устуворлиги, одил судлов ва адолатни таъминлашга эришармиш

Қонун устуворлиги, суд мустақиллигини кафолатлаш ва адолатни таъминлаш давлатнинг устувор вазифаси, деб ҳисоблаймиз. Биз Янги Ўзбекистонда **фуқаро ва бизнеснинг ҳимоячиси фақат қонун** ҳамда **суд** бўлишига эришармиш.

Мустақил суд тизими ва одил судлов – қонун устуворлиги кафолати.

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг **фаолияти устидан** самарали **жамоатчилик назоратини** ўрнатиб, одил судловга эришиш учун барча имкониятларни сафарбар этамиз.

Биз, илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, қонунчиликни қўллашда муайян суд иши бўйича чиқарилган суд ҳужжатини бошқа шу турдаги ишларга қўллаш имконини берувчи **"суд прецеденти ҳуқуқи"**ни амалиётга жорий этиш тарафдоримиз.

Жабранувчининг илтимосига асосан **жиноят ишини кўзгатамасдан ҳам ярашиш имкониятини** яратиш тарафдоримиз.

Жиноят содир қилган шахслар келгусида тузалиш йўлига ўтиши учун **муқобил жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари** кенгайтирилади.

Биз терговда **шаҳс ҳуқуқини** чеклашга санкция бериш масаласи алоҳида судьялар томонидан кўриб чиқилишини илгари сурамиз.

Иқтисодий жиноятлар бўйича **"қамоққа олиб тергов қилиш"** амалиётига чек қўйиш, бунинг ўрнига **гаров эҳтиёт чорасидан** кенг фойдаланиш имконияти яратилади.

Бу масалада айбланувчи ёки ҳимоячи томонидан судларга эҳтиёт чорасини ўзгартириш ҳақида муурожаат қилиш имкониятлари кенгайтирилади.

Ички ишлар ва миллий гвардия органлари ходимларининг **фуқаролар билан мулоқот қилиш стандартларини жорий этиш** орқали уларни халқ кўз ўнгига том маънода **ҳимоячига** айлантирармиш.

Барча соҳаларда шахсга доир маълумотлар билан ишлаш талабларини кучайтириш тарафдоримиз. Пировард

мақсадимиз – фуқароларимизнинг **шахсий ҳаёт дахлсизлигини** таъминлаш, мулки ва маблағларини **фирибгарлар ва кибержиноятчилардан** ҳимоя қилиш.

Йўл транспорт ҳодисаларини кескин камайтириш чораларини кўриш, **жиноий жавобгарликни кучайтириш, юқори тезликда ҳаракатланадиган** ҳайдовчиларни транспорт воситасини **бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш** таклифини берамиз.

Йўл ҳаракати ва бошқа соҳалардаги жиноятлар натижасида боқувчисидан **маҳрум бўлганларга айбдорлардан 18 ёшга тўлгунга қадар алимент олиш** ҳуқуқини бериш тарафдоримиз.

Адвокатлар палатасининг адвокатларни ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги фаолияти такомиллаштирилади.

Адвокатлар рейтингини жорий қилиш орқали адвокатлик тизимида рақобат муҳити ривожлантирилади, салоҳиятли адвокатлар кўпаяди.

Партия **бизнес юртишига халақит бераётган** қатор нормаларни қайта кўриб чиқишни илгари суради:

– тадбиркорнинг **манзили, банк реқвизитлари ўзгаргани** ёки қайта рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаганлик учун белгиланган **маъмурий жавобгарликни бекор қилиш**;

– тадбиркорлик субъектларининг **банк ҳисобва-рақларидagi амалиётларни тўхтатиб туришга** фақат



суд тартибиди рухсат бериши қонун даражасида белгилаш;

– назорат қилувчи органлар зиммасига **текширув ўтказилиши ҳақида** Савдо-саноат палатасини камида **10 иш кунини олдин** хабардор қилиш мажбурияти юкланишини қонунда белгилаш;

– солиқ интизомининг бузилиши билан боғлиқ маъмурий жараим микдорини ҳуқуқбузарлик келтириб чиқарган **иқтисодий оқибатнинг таъсирини** инobatга олиб **табақалаштириш**;

– тадбиркорлик субъектларининг ўзларига кўрсатилган хизматлар, шу жумладан, берилган кредитлар юзасидан банклар ва бошқа молия ташкилотлари олдидаги шартнома мажбуриятларини асосли бизнес таваккалчиликлари тўғрисида бажармагани уларни **жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлмаслигини** қонунчиликда белгилаш.

• **Очиқлик сиёсатини давом эттирармиш ва халқ билан мулоқотни кенгайтирармиш**

Эркинлик ва очиқлик сиёсатини изчил давом эттириб, **оммавий ахборот воситалари (ОАВ) фаолиятининг эркинлиги**, фуқароларнинг **ахборот олиш**, ундан фойдаланиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқларини қатъий кафолатлаймиз.

Сўз эркинлигига қарши ҳар қандай уринишларга қарши **туриш** ва **мустақил нодавлат матбуот** тизимини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаймиз.

• **Коррупцияга қарши курашни кучайтирармиш**

Коррупциявий оммиларни бартароф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда **коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни** шакллантириш ишларини жадал давом эттирармиш.

Коррупцияга қарши курашишда давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш бўйича чоралар кўрамиз. Коррупцияга қарши курашиш бўйича **2030 йилгача мўлжалланган Миллий стратегия қабул қиламиз.**

V. МАМЛАКАТИМИЗ СУВЕРЕНИТЕТИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ КАФОЛАТЛАЙМИЗ

Янги таҳрирдаги Конституцияда Ўзбекистон Республикаси давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки ва уч томонлама муносабатларни ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга ошириши белгиланган. Шунга кўра, **узқ ва яқин давлатлар билан дўстлик** алоқалари ва ўзаро ҳамкорликни барча соҳаларда ривожлантирармиш.

Мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик, **миллатлараро ва фуқаролараро тотувлик** бардавом бўлгандагина демократик ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш, жамиятни ривожлантириш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Бу йўналишда қўйидаги вазифалар бажарилишига муносиб ҳисса қўшамиз.

Мамлакатимизда **диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни** таъминлаш, фуқароларимизни турли мафкуравий таҳдидлар, зарарли оқим ва ғоялардан ҳимоя қилиш масалалари эътиборимизда бўлади.

Диний ва маънавий меросимизни чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистон ислом академияси, Ислам цивилизацияси халқаро маркази ва бошқа илмий-маърифий марказлар имкониятларни тўлиқ ишга солиниши учун мунтазам иш олиб борамиз.

• **Очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсатни давом эттирармиш**

Партия Янги Ўзбекистон ташқи сиёсати **фақат халқимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда олиб борилиши зарур**, деган қатъий позицияда.

Биз узқ ва яқин давлатлар, халқаро ташкилотлар билан алоқалар ва ҳамкорликни ана шу тамойил асосида ривожлантириш тарафдоримиз.

Биз очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат давом эттирилишига хайрихоҳимиз.

Партия ташқи сиёсатда **қўшни давлатлар билан янги қўшничилик ва стратегик шериклик** муносабатлари жадал ривожлантирилишида барча имкониятларини ишга солади.

Ўзбекистоннинг **сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар** соҳалардаги ташаббуслари халқаро майдонда фаол илгари сурилиши, **Марказий Осиёда** турли йўналишлар, айниқса, **сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, транспорт йўлакларини ривожлантириш** борасидаги амалий ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишини қўллаб-қувватлаймиз.

Дунёнинг қудратли давлатлари ва бошқа стратегик ҳамкорларимиз билан янги форматдаги амалий алоқалар мустаҳкамлашни тарафдоримиз.

Марказий Осиёда **хавфсизлик, савдо-иқтисодий, сув, энергетика ва транспорт, маданий-гуманитар** соҳалардаги ҳамкорлик сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб чиқишни лозим, деб ҳисоблаймиз. Хусусан, қўшни **Афғонистон** заминиди тинчлик ва оқилоналикни таъминлаш борасидаги ишлар **узқуқсиз давом эттирилиши** керак.

Транспорт соҳасида ташқи савдо учун **"яшил коридорлар"** ҳамда транзит имкониятлари кенгайтирилиши катта аҳамиятга эга.

Илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва туризм соҳалариди ташқи алоқаларни кучайтириш зарур.

Партия **иқтисодий дипломатияни** кучайтириш тарафдор.

Инвестиция ва инновацияларни кенг жалб қилиш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш ва Ўзбекистон имижини фаол тарғиб этиш барча дипломатик ваколатхоналаримизнинг **асосий вазифасига** айланиши керак.

Халқ дипломатиясининг, айниқса унинг муҳим шакллари билан булган **партиявий дипломатиянинг** ролини тобора оширишимиз керак.

Ўзбекистоннинг халқаро ташаббусларини **кенг жамоатчиликка етказиш** борасидаги ишлари жадаллаштириш партиянинг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади.

• **Ватандошлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаймиз ва мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаймиз**

Хориждаги **ватандошларимизни қўллаб-қувватлаб, уларнинг** юртимиз тараққиётда фаол иштирок этишлари учун зарур шароитларни яратамиз.

Хориждаги **ватандошларимиз** орасида **она тили, миллий маданият ва аъналарни тарғиб этиш** бўйича тизимли чоралар кўрилади.

Ташқи меҳнат миграцияси тизимини ислоҳ қилиб, хорижа ишлаш учун бораётган фуқароларимизни **қасбга ва чет тилларига ўқитиш кўламини** кенгайтирармиш.

Хорижа ишлаб юрган юрдошларимиз учун, аввало, **Ўзбекистонда ишлаб, муносиб иш ҳақи** олишлари учун имконият яратамиз.

Мураккаб вазиятга тушиб қолган юрдошларимизга **ҳуқуқий ва бошқа ёрдамлар кўрсатишни** янада оширамиз.

Меҳнат мигрантлари ва уларнинг **оила аъзоларига доимий гамхўрлик** қилиш ва **ижтимоий суғурта тизимини такомиллаштирармиш.**

Хорижда даромадли меҳнат билан банд бўлиш истагида бўлган ишларимизга асосий миграция оқими булган мамлакатлар **тиллари бепул ўрганиш** учун шароит яратамиз.



◀ Бошланиши 1-саҳифада.

ЎЗБЕКИСТОН-GERМАНИЯ: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Олий мартабали меҳмон Самарқанд шаҳрида тантанали кутиб олинди. Ташрифнинг барча учрашув ва музокаралари ҳам Ер юзининг сайқали, дея таърифлангангана мана шу қадимий шаҳарда бўлиб ўтди.

Одатда расмий мулоқот ва муҳокамалар ниҳоясига етгандан кейин маданий-маърифий тадбирларга ўтиларди. Бироқ бу сафар бошқача бўлди. Давлатимиз раҳбари ГФР Канцлерини жаҳонга машҳур Регистон майдонидан қарши олди.

Қадимий юртимизнинг асосий тимсолларидан бири саналган, кудратимизга шубҳа қилганлар келиб кўриши тавсия этилган бу майдон ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Буюк меъморий мажмуа таркибига кирувчи Мирзо Улуғбек, Шердор ва Тиллоқарин мадрасалари ўзининг салобати билан барчада чуқур таассурот қолдириши табиий.

Олаф Шольц ҳам журналистлар учун дастлабки интервьюсидаёқ, ижтимоий тармоқлар учун битган биринчи мулоҳазасидаёқ ҳайратини яширмади. Ушбу дурдонанинг қурилишига оид тарихий ҳикоялар, ечимлар ва безакларнинг ўзига хос хусусиятлари, бу маскан билан боғлиқ муҳим воқеалар ва шахслар, ҳазик халқнинг маданий мероси ўқиб қараганда маълумотлар чиндан-да беқиёс таассурот уйғотганининг порлаган нигоҳлари ва билдирган фикрларидан яққол сезилди.

Икки етакчининг Регистон майдонидидаги суҳбати давомида жаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири сифатида ҳақли равишда эътироф этилган Самарқанд шаҳри бугунги кунда ишбилармонлик ва сайёҳлик марказига айланиб бораётгани таъкидланди.

Очиғи, Германиядан ўрганадиган жиҳатларимиз оз эмас. Айниқса, сўнгги йилларда Европанинг энг ривожланган давлати билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларимиз тибора кучайиб бормоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев 2023 йилнинг май ва сентябрь ойларида икки марта расмий ташриф билан Германияда бўлиб, Федерал Президент Франк-Вальтер Штайнмайер, Канцлер Олаф Шольц билан учрашганди. Шунингдек, доврқли немис компаниялари раҳбарлари билан музокаралар ўтказиб, “Марказий Осиё – Германия” форматидидаги биринчи саммитда иштирок этганди.

Мутахассисларнинг эътирофи этишича, Европа Иттифоқидаги ишончли ҳамкор саналган ГФР билан боғлиқ муносабатларнинг асосий қисмини ишбилармонликка кенг йўл очиб ва иқтисодий ўзаро манфаатли шериклик негизиди ривожлантириш масалалари ташкил этди. Ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамланиши натижасида товар айирбошлаш ҳажми кейинги йилларда анча ошди. Германияга хизматлар, тўқимачилик, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар экспорт қилинаётган бўлса, ўз навбатида, немис диёридан механик асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва улар учун эҳтиёт қисмлар, фармацевтика ҳамда кимё маҳсулотлари ва хизматларини импорт қилияпти.

Маҳаллий ва хорижий таҳлилчилар меҳнат миграцияси соҳасидидаги алоқалар Германия билан ҳамкорликнинг истиқболли йўналишига ай-

ланганини алоҳида таъкидлашмоқда. Шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасида биргаликда амалга оширилаётган лойиҳалар муҳим аҳамият касб этаётди. Экспертларнинг фикрича, Канцлер Олаф Шольцнинг “Марказий Осиё – Германия” саммити олди-дан Ўзбекистонга келганида ўзига хос маъно мужассам. Бу жиҳат немислар кенг қўламли ҳамкорликни янада ривожлантиришга интилаётганидан, алоқаларини янги босқичга олиб чиқиш икки томон учун ҳам манфаатли эканини эътироф этаётганидан далолатдир.

Самарқанд шаҳридаги Конгресс марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федерал Канцлери Олаф Шольцнинг тор доирада ва делегациялар иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди.

Журналистлар диққат билан кузатган мулоқотлар давомида кўп қиррали Ўзбекистон – Германия муносабатларини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Утган йили Берлинда ўтказилган олий даражадаги учрашувлар икки мамлакат ўртасидаги амалий ҳамкорликни ривожлантиришга жиддий туртки бергани, товар айирбошлаш ҳажми 1 миллиард евродан ошгани таъкидланди. Буни 2023 йил бошидан буён Ўзбекистон иқтисодиётига Германия компаниялари 800 миллион евролик сармоа йўналтиргани ҳам исботлаб турибди.

Муҳокамалар давомида “KfW” банки ва Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг молиявий-техник кўмак лойиҳаларига юқори баҳо берилди. Берлин шаҳридаги Янги музейда Ўзбекистон маданий мероси қўрғазмасининг ўтказилиши маданий соҳада муҳим воқеа бўлгани, унга ярим миллиондан зиёд киши келгани, Самарқанд шаҳрида Ибн Сино ва Генрих Шиппергес номидаги Тиббиёт фанлари олий мактаби очилгани ҳам мамнуният билан қайд этилди.

Ташриф давомида меҳнат миграцияси соҳасида шаффоф ва тизимли ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган битим имзолангани маълум қилинди.

Масъул идоралар даражасида талаб юқори бўлган ўзбекистонлик мутахассисларни тайёрлаш ва Германияга юбориш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш тақдир этилди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ёшларининг немис тилига қизиқиши юқори эканини, бу тилни 300 мингга яқин йигит-қиз ўрганаётганини эътироф этди. Яқинда андижонлик мактаб ўқувчиси Райёна Иброҳимова немис тили бўйича Жаҳон олимпиадасида ғолиб бўлгани бунга ёрқин мисолдир. Домдоники, Германия томони мамлакатимиз худудларида тил ўрганиш ва ўқитувчилар тайёрлаш дастурларини кенгайтиришга кўмаклашишга тайёрлигини билдиргани ҳам бежиз эмас.

Ташриф доирасида икки давлат раҳбари қўшма Бошқарув кадрларини тайёрлаш мактабининг очилишига бағишланган маросимда ҳамда етакчи компания ва банклар вакиллари билан учрашуви ҳам Самарқанд шаҳрида ўтказилди.

– Учрашувимизни янги форматда ташкил этдик, – деди Шавкат Мирзиёев. – Ўзбекистон томонидан, асосан, сўнгги йилларда мустаҳкам оёққа туриб олган ва Германия биз-

несининг муносиб ҳамкори бўлган хусусий сектор вакиллари иштирок этамоқда.

Ўз навбатида, Германия Федерал Канцлери Олаф Шольц ҳам мамлакатимиз билан кўп қиррали муносабатлар изчил ривожланаётганини юқори баҳолаб, мавжуд шериклик алоқаларини мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлади. Германия ишбилармон доиралари вакиллари қўшма лойиҳалар ва ташаббусларни амалга оширишда дадил иштирок этишга қаққирди.

Остона: “Марказий Осиё – Германия” саммити

Президентимизнинг куни кеча Остона шаҳрида ўтказган учрашувлари ҳам юқорида кўтарилган масалаларнинг тадрижий давоми бўлгани шубҳасиз. Зеро, Қозғоғистон пойтахтига ташриф дастурига мувофиқ, Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё мамлакатлари етакчилари ҳамда Германиянинг илгор компания ва банклари раҳбарларининг учрашувида бевосита иштирок этди. Тадбирда Германия Федерал Канцлери Олаф Шольц, Қозғоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркманистон Президенти Сердар Берdimухамедов ҳам қатнашди.

Саммит иштирокчиларини самимий кутлар экан, давлатимиз раҳбари Самарқанд шаҳрида Германия ишбилармонлари билан бўлиб ўтган самарали учрашувнинг муваффақиятини мамнуният билан қайд этди. Музокаралар натижалари мамлакатларимиз тадбиркорларида ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш, немис тажрибаси ва инновацион технологик ечимлари асосида қўшма лойиҳаларни амалга оширишга бўлган қизиқиши ортиб бораётганини кўрсатди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё минтақаси бугунги кунда барқарор иқтисодий ривожланиш суръатларини намоеън этаётди. Бунда давлатлар ўртасидаги чегараларнинг очилгани, минтақа ичидидаги товар айирбошлаш, инвестициялар, юк ташини ҳажми, сайёҳлар бордин-келдиси кўпайиши учун зарур шарт-шароитлар яратилгани муҳим аҳамият касб этди.

Саммитда ўзаро манфаатли мулоқот учун доимий майдон – “Марказий Осиё ва Германия” Инвесторлар ва тадбиркорлар кенгашини тасвис этиш ҳамда унинг биринчи учрашувини келгуси йил баҳорда Тошкент инвестиция форуми доирасида ўтказиш ташаббуси илгари сурилди.

Ҳозирги вақтда минтақадаги ҳамкорлар билан қўшма инвестиция фондлари ва компаниялари кўмағида махсус иқтисодий зоналар ва индустриал “хаблар” ташкил этилмоқда, саноат, “яшил” энергетика, қишлоқ хўжалигида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда, инфратузилма модернизация қилинмоқда. Бундай лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида хорижий мамлакатларнинг етакчи муҳандислик марказлари, инвестиция ва саноат корхоналари фаол жалб этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Германия компанияларини минтақавий кооперация лойиҳаларини ўзаро манфаатли шартларда амалга оширишда фаол иштирок этишга қаққирди.

Ўз мухбиримиз

◀ Бошланиши 1-саҳифада.

УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТ ОРҚАЛИ КАМБАГАЛЛИК ҚИСҚАРТИРИЛАДИ

Эслайлик, бундан тўрт йил олдин, яъни 2020 йилда давлат раҳбари томонидан Ўзбекистонда камбағаллик муаммоси расман тан олинди, бу масалани босқичма-босқич ҳал этиш ижтимоий сийёсатда алоҳида ўрин эгаллади. Ва камбағалликни қисқартириш бўйича манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида маълумотлар базаси шакллантира бошланган эди. Ушунда 7,5 миллион ёки 23 фоиз аҳолининг даромади камбағаллик чегарасига етмасди. Жуда қисқа муддат ичидида юртимизда ушбу муаммони ҳал этишнинг мутлақо янги ва ўзига хос тизими яратилди. Натижада ўтган йиллар мобайнида 3,5 миллион юрдошимизни даромадди қилиш орқали ўтган 2023 йил якуни билан камбағаллик даражаси 11 фоизга тушганлиги қайд этилди. Яъни ижтимоий ҳимоя қамрови 4,5 қарра кенгайтирилиб, бу соҳага ўтган йили 12,3 триллион сўм йўналтирилди, пенсия ва нафақалар миқдори ҳам 1,5 баравар кўпайтирилди.

“Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат” тамойилининг янги таҳрирдаги Конституциямизда асосий норма сифатида мустаҳкамланиши, биринчи навбатда инсон қадрини улуғлаш, айниқса, эртани эгалари бўлган ёш авлод вакиллари тақдирига қайғуриш эзгу мақсадларимиздан берибди. Асосийси, ижтимоий давлатда барқарор ривожланишнинг ягона принципи, бу, аввало, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш, камбағаллик ва ишсизлик даражасини қисқартириш, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигига кўмаклашиш, жамиятда табақаланишга қарши курашишдан иборат бўлган долзарб вазифалар саналади.

Ўз навбатида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзолари, электротимиз вакиллари республикамизда камбағалликни тобора қамайтириш, аҳоли ўртасида тадбиркорликка рағбат уйғотиш, ёшларни даромадли касб-ҳунарга тайёрлаш ва иш ўринларини кўпайтириш билан боғлиқ амалий ишларни бажариш бўйича ҳам истиқболли лойиҳаларни ҳаётга кенг татбиқ этишда фаоллик кўрсатиляпти. Олдин мисол, бугунги кунда “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари”, “Темир дафтар” каби тизимлар ўз самарасини бераётганини алоҳида эътироф этиш зарур. Чунки аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами билан бу каби ҳаётий тизимлар асосида ишлашга киришилган, кўрпаямики, минг-минглаб юрдошларимиз нафақат ўз оиласи, рўзғори тўқиллигини таъминлашга киришибгина қолишмади, аксинча, ўзлари турли тармоқлар бўйича кичик ва ўрта бизнесга оид тадбиркорлик субъектларини очиб, бевосита иш берувчиларга айланишди қилишди. Бу ҳам давлатимиз тараққиёти учун улкан имконият майдонидир. Бугун шуни қувонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистонда тадбиркорлар синфи шаклланди ва жуда шиддат билан ривожланмоқда. Демак, бу катта қатлам жамиятимиз тараққиётининг ўзига хос драйверига айланди. Бунинг қўл ости сифатида яқиндагина Президентимизнинг Нукус шаҳрида Тадбиркорлар куни муносабати билан ўтказилган тарихий мулоқотини эслаш кифоя.

Яна мақоламиз муқаддимасидаги камбағалликни қисқартириш ишларини кейинги сифат босқичига олиб чиқиш масалаларига бағишланган видеоселекторга қайтамиз: давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, камбағалликни фақат пул тарқатиш, нафақа тўлаш билан ҳал қилиб бўлмайди. Табиийки, камбағалликни қисқартиришнинг энг асосий механизми, бу аҳолини яхши даромадли иш билан таъминлашдир. Қолаверса, эҳтиётманд оила аъзоларини ўқитиш, бирор касбга ўргатиш ва тайинли иш билан таъминлаш лозим.

Ҳаётий мисоллар буни тасдиқлайди, яъни, кимдир ўқиб-ўрганиб, изланиб, ўзининг ҳалол меҳнати билан элда обрў-эътибор топса, бошқа бировнинг бунга имконияти етмайди. Ўқий олганга, бирор касбнинг бошини тутмаганлиги бос иш топши қийин кечади. Оқибатда кундалик юмушларни бажариб, тиркичилигини ўтказиши ёки охири маҳаллага бориб қимқас сўрайди. Бу ҳам аслида муаммога ечим эмас. Кўрпаямики, қатор худудларда бугунги кунда ҳовлисидаги бир парча томорқасида ишлаб, ўз оиласи ва бошқа кўни-қўшнларига ёрдам бераётган юрдошларимиз сафи кенгайиб бораётгани қувонarli ҳолдир.

Видеоселекторда юрдошимиз томонидан бир йил давомида 50 минг гектар ер 100 мингга камбағал

оилага бўлиб берилиши айтиб ўтилди. Бу ерларда “компания – кооператив – деҳқон хўжалиги” тамойили асосида деҳқончилик ва боғдорчилик ташкил этилиши белгиланмоқда. Бунда ердан уч хил даромад олинадиган янги тизим яратилади. Биринчиси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи ва экспорт қилувчи катта компания камбағал оилалардан ерни иккиламчи ижарага олади ёки ер эгалари улшдор сифатида кооперацияга бирилашиб, компаниялардан буюртма олади ва топилган даромад улар ўртасида тақсимланади. Ҳар икки ҳолатда ҳам аҳоли ушбу ерда ўзи маҳсулот етиштириб, бунинг учун ойлик олади.

Камбағал оила ўзига берилган ердан янада самарали фойдаланиб, ойлик олиш билан бирга, ижара ёки дивиденддан даромад кўради. Ушбу тизим орқали камида 200 минг аҳолини банд қилиш вазифаси юклатилмоқда. Бундай тизимли ва изчил режалар, албатта, ўз самарасини беришига шубҳа йўқ. Чунки ерга муҳтож оилалар юртимизда кам эмас ва улар ўз ихтиёрига ажратилган жойдан оқилона фойдаланса, яратилаётган имтиёзни даромадга айлантира олса, оилалар обод бўлади, бозорлар тўқин бўлади.

Узоққа бормайлик, ҳозирги кунда 3-5 миллион сўмгача ойлик бераман, деб турган корхоналарда 250 мингга яқин бўш иш ўринлари бор экан. Лекин, йиғилишда айтиб ўтилганидек, камбағал оилалардан 35 фоизининг ишга лаёқатли аъзоларида билим ва кўникма камлиги қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бундан кўринадики, иш бору, меҳнат қилишга лаёқат йўқ. Яна бир ачинарли жиҳати, кадрлар малакаси, ўқуви талаб даражасида эмаслигидир.

Қайд этилганидек, эндиликда ишсиз ва камбағал кишилар бирор касб-ҳунарга ўқитилади. Шунингдек, бу жараёнда номига сертификат олиш билан чекланмаслиги, машғулотлар аниқ график асосида ўтказилиб, астойдил равишда касб ўргатилиши керак. Ана шундагина кўзланган мақсад-муддаога эришилади.

Жамиятимизда кўпчиликни ўйлантираётган жиддий масалалардан яна бири, бола парварши билан банд, лекин меҳнат қилишга хоҳиши бўлган аёлларнинг 43 фоизи ишга бора олмаётганидир. Масалан, камбағал оилаларнинг 83 фоизиди катта-катта томорқалар мавжуд. Лекин уларнинг 62 фоизиди – сув, 48 фоизиди – электр муаммоси бор. Яна 50 фоизи марказлардаги бозорларга боришда қийналаётгани ҳам мазкур йиғилишда кўрсатиб ўтилди.

Президентимиз томонидан бирма-бир санаб ўтилган бу каби муаммолар мамлакатда ишсизлик ва камбағаллик даражасининг кўтарилишига сабаб бўлаётгани сир эмас. Демак, бу борада қатъий равишда амалий чора-тадбирлар қўриш вақти этди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари туман ҳокимлари, сектор раҳбарлари камбағал оилалар хонадонига кириб, ўша жойдаги шарт-шароитларни ўз кўзлари билан кўриб, хулоса чиқарсаларгина аниқ натижалар бўлиши мумкинлигини таъкидлаб экан, “Одамларга қанча ёрдам берайлик, маҳаллалар шароитини яхшиламасак, камбағаллик қисқармайди”, деди.

Йиғилишда урғу берилганидек, камбағалликни қисқартириш борасида ҳали олдимизда янада жиддий ва долзарб вазифалар турибди. Шу жиҳатдан оила қаралганда, бу соҳадаги сайёҳаракатларни кучайтириш учун “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури тайёрланаётгани маълум қилинди. Унда еттига имконият ва масъулият тамойили асосида Ўзбекистоннинг навбатдаги янги ёндашувлари белгилаб берилади. Энг муҳими, Президентимиз алоҳида тўхталиб ўтганидек, мамлакат миқёсида **камбағалликни қисқартириш умумимиллий ҳаракатга айланди**.

Бу – ҳар биримиз, шу юртининг фарзандиман дедағуқаро борки, камбағалликни қисқартиришга ўз хиссасини қўшмоғи шарт. Бир сўз билан айтганда, ана шундай савобли ҳаракатларимиз билан барчанми ҳаққий ватанпарварлик намунасини кўрсатамиз.

“o’zLiDeP” фаоллари ҳам камбағаллик кўламини икки қарра қамайтириш, аҳолини тадбиркорликка жалб қилишнинг маҳаллабай дастурларини ишлаб чиқиши келгуси беш йилликдаги устувор вазифаси, этиб белгиланган. Шу боис давлатимиз раҳбарининг бу борада белгиланган вазифаларини тўла-тўқис қўллаб-қувватлашимиз. Хайрили ва эзгу вазифаларини амалга оширишда партиямиз доимо фаол ва ташаббускор бўлади.

ХАЙРЛИ ТАШАББУСЛАРДАН АҲОЛИ РОЗИ

Мамлакатимизда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари изчил давом этаётди. Замонавий иншоотлар, мухташам иморатлар, таълим, тиббиёт масканлари, йўл ва кўприклар, сўлим боғу хиёбонлар барпо этилмоқда.

Олдин мисол, Паркент туманидаги Заркент қишлоғида жойлашган 47-оилавий поликлиника Истиклол, Янгиобод, Кўрғон ва Давлатобод маҳаллаларининг 12 минг 854 нафар аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиши кўзда тутилган эди. Лекин бу тиббиёт маскани анча эскириб, таъмирталаб ҳолатга келиб қолганди. Аҳоли ва мутасаддилар маслаҳатлашиб, ушбу поликлиникани бугунги давр талабига мос кўринишга келтириш ташаббусини илгари сурдилар. Натижада Инвестицион дастур асосида “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси буюртмасига мувофиқ, “Меъмор Эрнатар лойиҳа” масъулияти чекланган жамиятининг қурилиш лойиҳаси маъқулланиб, қурилиш таъмирлаш ишлари олиб борилди. Тиббиёт маскани тажрибали қурувчи Баҳриддин Жалилов бошчилигидаги “Шамс лидер” МЧЖ бунёдкорлари томонидан реконструкция қилинди.

Шунингдек, бошқа худудларда ҳам аҳолининг талаб ва истаклари асосида “Орен budget” дастурига кўра қўллаб таъмирлаш, қурилиш ишлари жадал амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, Чиноз туманидаги 28-умумтаълим мактаби бундан 40 йил аввал бунёд этилган бўлиб, ўз-ўзидан дераза-ром, эшиклар, иссиқлик тизими, қўйингки, бутун иншоот эскириб ярқоси ҳолатга келиб қолганди. Бугунги кунда маҳаллий аҳоли ташаббуси билан ушбу ўқув масканини қайта таъмирлаш учун “Очиқ бюджет” лойиҳасига кўра 1 миллиард 300 миллион сўм маблағни қўлга киритди. Натижада айна пайтда “Aero star bulding” МЧЖ жамоаси қурилиш-таъмирлаш ишларини бошлаб юборган.

Бундан ташқари, Чирчиқ шаҳридаги 26-мактабгача таълим ташкилоти ҳам “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси асосида замонавий қиёфага эга бўлди. Маскур реконструкция



ишларини 1 миллиард 250 миллион сўм эвазига Насрулло Хайдаров раҳбарлигидаги “Шахна келажиги” МЧЖ қурувчилари сифатли қилиб бажариб беришди.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
“XXI asr” мухбири

Реклама ҳуқуқини асосида

Хизматлар лицензияланган.



